

Болажонларга мактуб (5)

05:00 / 15.02.2017 3437

БЕШИНЧИ САБОҚ

ПАЙҒАМБАРЛАР ТЎҒРИСИДА

Ассалому алайкум, жаннат боғининг райҳонлари бўлмиш жажжи ўғил - қизларим! Хўш, ўтган машғулотда берилган уй вазифасини бажариб келдингизми? Қани, Қуръони каримнинг «Фотиҳа» сурасини шошилмай ўқиб беринг-чи! Иэ, «Аuzu биллаҳи» ва «Бисмиллоҳ» ни эсдан чиқариб қўйдингизми? Ҳа яшанг, Қуръони карим сураларини ўқишни доимо шундай бошланг!

Энди, болажонларим, бугун мен сизларга Аллоҳнинг пайғамбарлари ҳақида айтиб бераман. «Пайғамбар» деган сўзни кўп эшитгансиз, аммо ким эканлигини билмагансиз, тўғрими? "Пайғамбар" («расул», «набий» ҳам дейилади) нинг ўзбекча маъноси элчи, Аллоҳнинг буйруқларини одамларга етказувчи дегани. Мана, масалан боғчангизнинг мудури бор. Унинг нима гапи, топшириғи бўлса, тарбиячиларга айтади. Улар эса сизга етказишади. Ёки мактабингиз директори ҳамма гапини муаллим, устозларингизга айтади. Улар шу асосда сизга тарбия -таълим беришади. Худди шунга ўхшаб энг катта подшоҳимиз Аллоҳ таоло ўзининг амр-фармонларини, кўрсатмаларини ўз пайғамбарлари орқали одамларга етказган. Пайғамбарлар ҳаммани Аллоҳ таоло буюрганидай яшашга ўргатишган, ўзлари ҳам бу соҳада ҳаммага ибрат бўлишган.

Одамзод яратилгандан буён Аллоҳ таоло инсонлар орасидан минг-минглаб пайғамбарларни, яъни раҳбар йўлбошчи, устоларни тайинлаган. Шулардан 25 нафарининг тарихи Қуръони каримда батафсил келтирилган. Ҳали Қуръон ўқиш ва тушунишни ўрганиб олсангиз, уларнинг нима иш қилганини билиб оласиз. Ҳозирча уларнинг номларини эслаб қолинг: Одам, Идрис, Нух, Ҳуд, Солиҳ, Иброҳим, Лут, Исмоил, Ишоқ, Мусо, Хорун, Довуд, Сулаймон, Илёс, Аляса, Юнус, Зулкифл, Закариё, Ёқуб, Юсуф, Айюб, Шуайб, Яҳё, Исо, Муҳаммад алайҳиссаломлардир.

Пайғамбарларнинг ҳаммалари билим ва ахлоқда ягона кишилар бўлишган. Гуноҳ ишларни қилишмаган. Ақлли, ҳусбёр, юксак фазилатли бўлишган. Одамларни ҳам шундай бўлишга чақиритишган. Уларнинг энг охиргиси, энг улуғи жаноби пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломлардир. Бошқа пайғамбарлар бир даврда, бирорта халққа ёки миллатга пайғамбар бўлса, Муҳаммад алайҳиссалом қиёматгача бутун дунёдаги ҳамма халқлар ва

миллатиарга пайғамбардирлар. Келгуси машғулотимизда у киши
ҳақларида бафуржа гаплашамиз, хўпми, болажонларим?!